



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

# ЎТМИШГА НАЗАР

3 ЖИЛД, 12 СОН

# ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 3, НОМЕР 12

# LOOK TO THE PAST

VOLUME 3, ISSUE 12



ТОШКЕНТ-2020

**Бош мухаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Муртазаева Рахбар Хамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бош мухаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Джураева Нилуфар Далибаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

**«Ўтмишга назар» илмий журнали тахририй маслаҳат кенгаши**  
**редакционный совет научного журнала «Взгляд в прошлое»**  
**Editorial board of the scientific journal Looking into the past**

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**  
тарих фанлари доктори,  
профессор, академик,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бобожонова Дилором Бобожонова**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари  
университети

**Зияева Доно Хамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Кебадзе Мадонна**  
тарих фанлари доктори, Телави  
давлат университети, Грузия

**Аширов Адхам Азимбаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Агзамова Гулчехра Азизовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Бурдиашвили Майя**  
тарих фанлари доктори, Телави  
давлат университети, Грузия

**Кожакеева Ляззат Темировна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Хотин-қизлар давлат педагогика  
университети, Қозоғистон

**Ульжаева Шохистахон Мамажоновна**  
тарих фанлари доктори,  
Тошкент кимё - технология институти

**Бабаджанова Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон давлат жаҳон  
тиллари университети

**Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Гоффоров Шокир Сафарович**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Самарқанд давлат тиббиёт институти

**Эргашева Юлдуз Алимовна**  
Тарих фанлари доктори, профессор,  
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт  
институти

**Теймураз Ахалмосулишвили**  
профессор, Телави давлат  
университети, Грузия

**Халикова Рахбар Эргашевна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Тошкент давлат техника университети

**Ишанходжаева Замира Райимовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Нукус давлат педагогика институти

**Мустафаева Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари доктори  
Ўзбекистон Республикаси  
Фанлар академияси

**Джоробекова Айнуэр Эшимбековна**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Дипломатия академияси,  
Қозоғистон Республикаси

**Ширванова Тарана Амирага кызы**  
тарих фанлари номзоди, доцент  
Азербайджон давлат  
иқтисодиёт университети

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Санпова Камола Давляталиевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Расулов Абдуллажон Нуриддинович**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Наманган давлат университети

**Ковалев Борис Николаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Россия ФА, Санкт-Петербург  
Тарих институти

**Кобзева Ольга Петровна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Ауанасова Алима Мусировна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Давлат тарихи институти, Қозоғистон

**Бегалинова Калимаш Капсамаровна**  
фалсафа фанлари доктори, профессор,  
Ал-Фаробий номидаги Қозоғистон  
Миллий университети, Қозоғистон

**Хайдаров Муродилла Махмуталиевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон миллий университети

**Алиева Лале**  
тарих фанлари доктори,  
Озарбайжон давлат университети

**Исмаилова Алмаз**  
тарих фанлари доктори,  
Догистон мустақил университети

**Талапов Бахриддин Алижанович**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Наманган давлат университети

**Одилов Аброр Анварович**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

## МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT


<b>1. Фарход Абдувалиевич Адиллов</b> ОЗАРБАЙЖОННИНГ ЎЗБЕК ХАЛҚИГА БЕҒАРАЗ ЁРДАМИ (1966 ЙИЛ ТОШКЕНТ ЗИЛЗИЛАСИ МИСОЛИДА).....	4
<b>2. Камолахон Юсуповна Абдуразакова</b> “ДАВЛАТЛАРАРО АЛОҚАЛАР” ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ МОҲИЯТИ.....	10
<b>3. Отабек Аманиллаевич Бахриев</b> ИМОМ БУХОРИЙНИНГ ИСЛОМ ҚОНУНШУНОСЛИГИДАГИ МАВҚЕИ.....	15
<b>4. Жонибек Бўтаев</b> XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ - XX АСР БОШЛАРИДА САМАРҚАНД ВИЛОЯТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИ ФАОЛИЯТИ.....	22
<b>5. Рахмон Ибрагимов</b> ТОШКЕНТ ВОҲАСИ ҚАДИМГИ ДАВР ТАРИХИНИНГ ДАВРЛАШТИРИЛИШИ ВА ХРОНОЛОГИЯСИ МАСАЛАСИГА ДОИР.....	30
<b>6. Чинпўлат Минасидинович Курбанов</b> XIX АСР ИККИНЧИ ЯРМИ – XX АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОНДА ВОЈХОНА ИШИ НАҚИДА.....	38
<b>7. Юлдузхон Имомова</b> ҚОРАБОҒ МОЖАРОСИГА ЛОББИЗМНИНГ ТАЪСИРИ.....	48
<b>8. Музаффаржон Шарифжон ўғли Мансуров</b> СОВЕТ ИТТИФОҚИ ЙИЛЛАРИДА “ИНТУРИСТ” ТАШКИЛОТИНИНГ ФАРҒОНА ТУРИСТИК МИНТАҚАСИДА ТУРИЗМ РИВОЖИДАГИ РОЛИ.....	53
<b>9. Тимур Туляганович Раишев</b> XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИДА ТУРКЕСТОН ҲАРБИЙ ОКРУГИ ҚЎШИНЛАРИ: МОДДИЙ ТАЪМИНОТ МАСАЛАСИГА ДОИР.....	59
<b>10. Нодира Набиевна Сафиходжаева</b> ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА МЕҲРИБОНЛИК УЙЛАРИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ.....	67
<b>11. Азизбек Гўзалович Холлиев</b> XIX АСР ОХИРИ - XX АСР БОШИДА РОССИЯ ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАРИ ТАРИХИ ТАРИХШУНОСЛИГИ.....	75
<b>12. Фуркат Эшбоевич Тошбоев, Дилшод Рашидович Холмуродов</b> ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ АРХЕОЛОГЛАРИНИНГ ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ ТАРИХИДАН.....	82

# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Азизбек Гўзалович Холлиев,  
Ўзбекистон Миллий университети  
“Жаҳон тарихи” кафедраси доценти  
usta1973@yandex.ru

## XIX АСР ОХИРИ - XX АСР БОШИДА РОССИЯ ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАРИ ТАРИХИ ТАРИХШУНОСЛИГИ

**For citation:** Azizbek G.Kholliev, HISTORIOGRAPHY OF ECONOMIC RELATIONS OF RUSSIA IN THE IN THE END OF XIXth - THE BEGINNING XXth CENTURIES. Look to the past. 2020, vol. 12, issue 3, pp.75-81

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-12-11>

### АННОТАЦИЯ

Россия империясининг XIX аср охири - XX аср бошида олиб борган иқтисодий сиёсати шу давргача алоҳида мавзу сифатида ўрганиш заруратини йўқотмаган. Шундай бўлса-да, Россиянинг амалга оширган иқтисодий сиёсати билан боғлиқ жараёнларни ўрганиш ва таҳлил қилиш масаласи доимий равишда тарихчиларни қизиқтириб келган. Ҳозирга қадар ўз мазмунига кўра тадқиқот мавзусига яқин бўлган бир қатор адабиётлар, монография, умумлашма мақола ва рисоалар нашр этилиб келинган. Ушбу мақолада XIX аср охири - XX аср бошларида Россия империясида мавжуд бўлган иқтисодий муносабатлар тарихига бағишланган адабиётлар тарихшунослик нуқтаи назаридан таҳлил қилинади.

**Калит сўзлар:** Иқтисодий муносабатлар, Россия империяси, метрополия, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт, саноат, тарихшунослик

Азизбек Гузалович Холлиев,  
Национальный университет Узбекистана  
Доцент кафедры «Всемирная история»  
usta1973@yandex.ru

## ИСТОРИОГРАФИЯ ИСТОРИИ ЭКОНОМИЧЕСКИХ ОТНОШЕНИЙ РОССИИ В КОНЦЕ XIX - НАЧАЛЕ XX ВЕКА

### АННОТАЦИЯ

Экономическая политика Российской империи в конце XIX - начале XX вв. до сих пор не потеряла своей потребности к изучению в качестве отдельной темы. Тем не менее, вопрос изучения и анализа процессов, связанных с процессами экономической политикой России, всегда интересовал историков. К настоящему времени опубликован ряд публикаций, монографий, аннотаций и брошюр, содержание которых близко к теме исследования. В

статье, с историографической точки зрения, анализируется литература по истории экономических отношений в Российской империи конца XIX - начала XX века.

**Ключевые слова:** экономические отношения, Российская империя, метрополия, социально-экономическая жизнь, промышленность, историография.

**Azizbek G.Kholliev,**  
National University of Uzbekistan  
Associate Professor of "World History" department  
usta1973@yandex.ru

## HISTORIOGRAPHY OF ECONOMIC RELATIONS OF RUSSIA IN THE IN THE END OF XIXth - THE BEGINNING XXth CENTURIES

### ABSTRACT

The economic policy of Russian empire in the end 19 - the beginning 20 centuries till now has not lost the need to studying as a separate theme. Nevertheless, the question of studying and the analysis of the processes connected with economic policy of Russia, always interested historians. By present time a number of publications, monographies, summaries and brochures which contents is close to a theme of research is published. In article, from the historiographic point of view, the literature on history of economic relations in Russian empire of the end XIX - beginnings of XXth century is analyzed.

**Index Terms:** Economic relations, Russian Empire, metropolitan country, socio-economic life, industry, historiography

### 1. Кириш ва долзарблиги:

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви, халқаро муносабатлар тизимида муносиб ўрин эгаллаши, ўз манфаатларини сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий, ижтимоий соҳаларда самарали амалга ошириши билан белгиланади. Шунга асосан, Ўзбекистон ва Россия давлатлари ҳамкорлигида янги босқич юзага келди. Амалга оширилган ўзаро муносабатларга рационал ёндашувлар ҳар икки мамлакатлар ташқи сиёсатида янги саҳифа очилишига замин яратди. Зеро, Россия айни вақтда йирик имкониятларга бой, дунё миқёсида ҳурмат қозонган давлат сифатида, ўзбек ва рус халқлари узоқ тарихий даврлик маданий-маърифий алоқалар тарихига эга. Ўзбекистон Республикаси билан Россия ҳукумати ўртасида давлатлараро муносабатларнинг асослари ва мақсадлари тўғрисида шартнома, консуллик ваколатхоналарини айирбошлаш тўғрисида протоколлар, савдо-иқтисодий соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим, маданият, фан, таълим, соғлиқни сақлаш ва туризм соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик ҳақида протоколлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар имзоланди. Шу нуқтаи назардан, ривожланган дунё мамлакатларидан бири ҳисобланган Россиянинг иқтисодий муносабатлари тарихини илмий жиҳатдан тадқиқ этиш бугунги кундаги долзарб масалалардан биридир.

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолияти концепцияси тўғрисида”ги (2012) Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2018 йил 5 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлиги тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг устувор йўналишларини амалга оширишда унинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5400-сонли Фармонлари ҳамда соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур мақола муайян даражада хизмат қилади.

### 2. Методлар ва ўрганилиш даражаси:

Тадқиқ этилаётган мавзуга оид ишлар таҳлили ва янгича концептуал-услубий ёндашувлардан келиб чиққан ҳолда ўрганилаётган муаммо доирасидаги манба ва адабиётларни тўрт гуруҳга бўлиш мақсадга мувофиқ деб топилди:

Биринчи гуруҳга Россия империясининг иқтисодий сиёсатида бевосита алоқадор бўлган муаллифларнинг асарлари киради. Улар мазкур даврдаги ижтимоий-иқтисодий ҳаётни ўрганишда муҳим ўрин тутди.

Маълумки, Россия империясининг иқтисодий муносабатларига оид тадқиқотлар илк маротаба даврий матбуот саҳифаларида ёритилган. Мазкур тадқиқотларда метрополиянинг савдо-сотиқ муносабатларида Россия ҳукмрон доиралари ва савдо-саноат буржуазиясининг тутган ўрни ва мавқеи ошириб кўрсатишга ҳаракат қилинган[1].

Хусусан, Н.И.Масальский, А.И.Дмитриев-Мамонов, М.А.Терентьев, А.И.Шахназаров, И.И.Гейер, Н.П.Верховский, С.Р.Конопко ва бошқа тадқиқотчилар томонидан Россиянинг иқтисодий сиёсатида доир бир қатор асарлар яратилди. Ушбу муаллифлар Россия империясининг Туркистон ўлкасида амалга оширган сиёсатнинг бевосита гувоҳи бўлишлари билан бирга бу жараёнда уларнинг ўзлари ҳам фаол иштирок этишган. Мазкур тадқиқотларнинг деярли барчасида Россиянинг ўлка иқтисодиётини қайта ташкил этиш борасидаги ҳаракатлари ва стратегик режалари кўкларга кўтарилган. Шунинг алоҳида қайд этиш лозимки, муаллифларнинг аксарияти иқтисодий масалага ўзига хос ёндашиб, Туркистон ўлкасига Россия саноати учун асосий хом ашё етказиб берувчи база ва тайёр маҳсулотлар сотиладиган бозор сифатида қараганлар[2]. Гарчи шундай бўлсада мазкур тадқиқотлар манбашунослик нуқтаи-назаридан фактик материалларга бой бўлиб, таҳлил этилаётган муаммонинг моҳиятини атрофлича ўрганишга ёрдам беради. Хусусан, Н.И.Масальскийнинг “Хлопковое дело в Средней Азии” асарида пахтанинг жаҳон иқтисодиётидаги аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда Россия империяси ҳудудида пахтачиликнинг ривожланиши, пахта тозалаш заводларининг пайдо бўлиши, савдо ташкилотлари, фирмалар фаолияти каби масалалар кўриб чиқилган ҳамда статистик маълумотлар асосида бу соҳанинг Россия империяси иқтисодидаги ўрни баён этилган. Бироқ муаллиф пахта якка ҳокимлиги ўрнатилишининг фожиали оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ҳамда бевосита пахта етиштирувчи маҳаллий аҳолининг оғир ижтимоий-иқтисодий аҳволи тўғрисида мулоҳаза юритмайди[3].

С.И.Гулишамбаровнинг Россия империяси, хусусан, Туркистон ўлкаси иқтисодий ҳаётини ёритишга бағишланган тадқиқоти ҳам муҳим аҳамиятга эга. Унда статистик маълумотлар асосида Ўрта Осиё темир йўллари орқали ташилаётган йўловчилар, юклар ва ундан келиб тушаётган даромадлар, сарф-харажатлар қиймати диаграммаларда акс эттирилган. Аҳоли сонининг ўсиб бориши, ўлкада жойлашган саноат корхоналари, қазилма бойликлари топилган ҳудудлар харитаси келтирилган. Шу билан бир қаторда, асарда Россия империясининг мустамлакачилик сиёсатини қўллаб-қувватлаш руҳи устунлик қилади[4].

В.В.Заорская ва К.А.Александрларнинг статистик маълумотларни ижтимоий ҳаёт билан солиштириш асосида ёзилган асари Россия иқтисодиётида саноат корхоналарининг ўрни, уларнинг сони ва улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар салмоғи тўғрисида қимматли маълумотлар берувчи муҳим манба саналади[5]. Лекин мазкур асарда империя ҳудудидаги барча саноат корхоналари тўла қамраб олинмаган. Бундан ташқари муаллифлар ўлкадаги корхоналарнинг метрополия манфаатларига хизмат қилиб, асосан хом ашёни бирламчи қайта ишлашга йўналтирилганлиги тўғрисида деярли мулоҳаза юритишмайди.

Шунингдек, В.Н.Оглоблин, В.И.Юфев, Н.Н.Александров, Н.С.Лыкошинларнинг тадқиқотларида Россия империяси, империя таркибидаги ўлкалар иқтисодиётининг турли томонлари ёритилган[6]. Ушбу тадқиқотларда ҳам Россия империясининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожини анча-мунча бўрттириб кўрсатилганлигидан ташқари, мустамлакачилик сиёсати оқибатида ўлка ижтимоий-иқтисодий ҳаётида рўй берган ўзгаришларнинг салбий оқибатлари батафсил таҳлил қилинмаган.

### **3. Тадқиқот натижалари:**

Иккинчи гуруҳга оид, яъни совет даврида яратилган аксарият илмий тадқиқотлар ва монографияларнинг таҳлили шунинг кўрсатдики, уларда мустамлакачилик масаласига синфий нуқтаи-назардан ёндашиб, ортиқча сиёсийлаштиришга берилиб кетиш оқибатида тарихни сохталаштириш ва мафқуранинг катта таъсири яққол сезилиб туради. Мазкур

тадқиқотларнинг аксариятида Россия империяси иқтисодий сиёсатининг “ижобий” томонларини кўроқ кўрсатишга уриниш кўзга ташланади.

XX асрнинг 20-30-йилларида, яъни ҳукмрон партия кўрсатмалари ва йўл-йўриқлари ижтимоий ва маънавий ҳаётнинг барча жабҳаларини тўлалигича қамраб олишга ҳали улгурмаган даврда яратилган адабиётларда мамлакат иқтисодиётига рус ва чет эл капиталининг кириб келиши, империяда капиталистик муносабатларнинг ривожланиши ҳамда иқтисодиётнинг жаҳон бозори ва молиявий тизимига жалб этилиши масалалари кўтарилган. Мазкур даврга оид адабиётларнинг аҳамиятли жиҳати яна шундаки, уларда Россия империясининг Туркистонга нисбатан олиб борган сиёсати мустамлакачиликдан иборат эканлиги эътироф этилган ҳамда миллий масаладаги зиддиятлар мавжудлигини ифодалашга ҳаракат қилган. Жумладан, Г.Сафаров ўлка аҳолисига нисбатан қўплаб ҳолатларда адолатсизлик қилинганлигини таъкидлайди[7].

А.Асаткин, И.Севостьянов, А.П.Демидов, Е.Федров, П.Г.Галузо, В.Лаврентьев, А.В.Шестаков сингари муаллифлар томонидан яратилган, мавзуга бевосита даҳлдор адабиётлар ҳам катта илмий аҳамиятга эга[8].

XX асрнинг 50-80-йилларида Россия империясининг иқтисодий сиёсатига доир қўплаб тадқиқотлар олиб борилган бўлиб, улар орасида М.К.Рожкова, А.Аминов, Ҳ.Т.Турсунов, П.А.Ковалев, С.Соатов, М.П.Вяткин, А.М.Юлдашев, М.И.Вексельман каби тадқиқотчиларнинг ишларини алоҳида таъкидлаш жоиз[9]. Бундан ташқари ушбу йилларда ўтказилган илмий-амалий анжуманлар материалларида, Ўзбекистон Фанлар академиясининг илмий нашрлари ва хабарларида, Ўрта Осиё университети тўпламларида ҳам мавзуга оид маълумотларни учратиш мумкин[10]. Ўтган асрнинг 70-80-йилларида бир қатор муаллифлар томонидан асосан пахтачилик, пахта тозалаш, ёғ-мой саноати тармоқлари фаолияти ва тоғ-кон саноатининг вужудга келиши масалаларига бағишланган монографиялар нашр этилганлигини қайд қилиш лозим[11].

Жумладан, М.П.Вяткиннинг “Монополистический капитал в Средней Азии” номли монографиясида Туркистонда амалга оширилган мустамлакачиликнинг йўналишлари ва усуллари масаласи, шунингдек, пахтачилик, ёғ-мой ва тоғ-кон саноатлари, савдо ҳамда суғориш тармоқларига молия капиталининг кириб келиши жараёнлари таҳлил қилинган. Муаллифнинг фикрига кўра, Туркистон сиёсий жиҳатдан Россия империясининг мустамлакаси бўлиб, аста-секин халқаро молия капиталининг мустамлакасига айлана борган[12]. Аммо унинг бу фикри М.И.Вексельман томонидан танқидга учради[13]. Шунингдек, М.П.Вяткин мавзунини ёритишда архив маълумотларидан ниҳоятда кам фойдаланган.

А.М.Юлдашев ўз монографиясида Россия империясининг аграр сиёсатининг асосий йўналишларини илмий асосда кўрсатиб бериш билан бирга, аграр қонунларнинг ҳаётга татбиқ этилиши жараёнларини акс эттиришга ҳаракат қилган[14]. Шунингдек, Туркистон иқтисодиётида пахтачилик саноатининг пайдо бўлиши ҳамда маҳаллий деҳқон хўжаликларининг умумжаҳон хўжалигига жалб этилиши натижасида ижтимоий-иқтисодий муносабатларда юз берган инқироз эволюцияси очиқ берилган.

Ҳ.Т.Турсунов бой фактик материалларга таянган ҳолда 1916 йилда Ўрта Осиё ва Қозоғистонда юз берган озодлик курашларининг ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий сабабларини таҳлил этган ва халқ кўзғолонлари вужудга келишининг асосий сабабларини очиқ берган[15].

Бу даврда яратилган барча асарлар ва тадқиқотларга хос умумий жиҳат шундан иборатки, уларда ўша давр тузум босими таъсирида тарих ўта сиёсийлаштирилиб, мамлакатдаги капиталистик иқтисодий сиёсатнинг қатор зиддиятлари ва ижтимоий ҳаётдаги муаммолар сабабли вужудга келган халқ норозиликлари, миллий озодлик курашлари большевикларнинг 1917 йилги В.И.Ленин бошчилигида юз берган “инқилобий” ҳаракатлари билан сунъий равишда боғлашга уринилган.

Ўрганилаётган муаммонинг айрим жиҳатлари учинчи гуруҳга мансуб хорижий муаллифлар тадқиқотларида ҳам қисман ўз аксини топган.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, хорижий нашрларда ҳам Россия империясининг иқтисодий сиёсатига оид турли хил қарашлар мавжуд. Баъзи тадқиқотчилар, масалан, немис тарихчи олими Ф. фон Шварц Россия империясининг миллий чекка ўлкалардаги иқтисодий сиёсатига ижобий баҳо бериб, уни оқлашга ҳаракат қилган. У ўзининг “Туркистон” асарини кўйидаги сўзлар билан яқунлайди: “Туркистоннинг иқтисодий жиҳатдан ҳеч қандай келажакга йўқ ва у муқаррар ҳалокатга маҳкум”[16]. Унинг фикрига кўра, ўлка халқларини бу фожиадан қутқариб қолувчи ягона йўл Туркистоннинг Европага қўшилишидир.

Ўз навбатида О.Гётч ва Р.Юнгелар Россияда амалга оширилган иқтисодий сиёсатидаги зарарли оқибатларни тўлиқ акс эттириб, унга танқидий баҳо беришган[17]. Инглиз олими М.Аткин эса ўлкада мустамлака маъмурий бошқарув тизимининг ташкил этилиши ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг амалга оширилиши ўзига хос турмуш тарзи ва муносабатларга эга бўлган маҳаллий халқларнинг қаршилигини келтириб чиқариши мумкинлигидан огоҳлантирган[18].

Бугунги Россия тарихшунослигида ҳам ушбу масала қисман бўлса-да ўз аксини топмоқда. Хусусан, М.К.Любавский, О.И.Бурсина, С.Н.Брежневларнинг тадқиқотлари шулар жумласидандир[19]. Шунингдек, “Азиатская Россия: люди и структуры империи” илмий тўпламларидаги мақолаларда Россия империяси томонидан амалга оширилган иқтисодий сиёсат, миллий чекка ўлкаларда мустамлака тартибларининг ўрнатилиши ва кўчириш сиёсати натижасидаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар ўз аксини топган[20].

#### 4. Хулосалар:

Таҳлил этилаётган муаммога доир илмий тадқиқотлар Қозоғистон олимлари томонидан ҳам олиб борилмоқда. Уларда мамлакатнинг XVIII асрдан 1917 йилга қадар бўлган даврдаги бир-бирига ўзаро боғлиқ муаммолари, хусусан, қозоқ хонларининг қўшни давлатлар билан муносабатлари ва ҳудудда Россия империяси ҳукмронлиги ўрнатилганидан кейин юз берган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, маънавий маданиятнинг аҳволи, савдо-сотик, миграция жараёнлари ва маъмурий-худудий тузилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган [21].

Тарихий тараққиёт жараёнлари капиталистик ишлаб чиқариш тизими ўзининг иқтисодий характерида кўра таъсир доирасини кенгайтмасдан туриб ривожлана олмаслигини кўрсатди. Россия империясининг мамлакатда олиб борган иқтисодий сиёсатининг моҳияти ўлкада савдо-саноат капитали мавқеини мустаҳкамлаш, товар-пул муносабатларини ривожлантириш, урбанизация жараёнлари ва мулкрий табақаланишни тезлаштириш, ерларнинг катта қисми мулкдорлар қўлида тўпланишини таъминлашдан иборат бўлди.

Мавжуд адабиётлар таҳлили шундан гувоҳлик берадики, Россия империясининг XIX аср охири-XX аср бошларидаги иқтисодий муносабатлари тарихи тўла ўрганилган ва яқуний илмий хулосалар чиқарилган деб бўлмайди. Бинобарин, ўрганилаётган мавзунинг ҳали ҳар томонлама чуқур тадқиқот объекти бўлмаганлигини қайд этиш билан бирга, советлар даври мафқураси уни илмий жиҳатдан асосли, тарихан холис тадқиқ этишга имкон бермаганлиги таъкидлаш жоиз.

#### Иқтибослар/Сноски/References:

1. Условия торговли хлопком // Москва. – Москва, 1873. – № 92-93; Фридман М.И. Финансовая реформа // Вестник финансов промышленности и торговли. – Москва, 1916. – № 8-10. – С. 56; Баланс коммерческих банков. Баланс Русско-Азиатского банка за 1 сентября 1916 года // Финансовая жизнь – Москва, 1917 – № 33-34. – С. 24-27; (Conditions of trade in cotton // Moscow. - Moscow, 1873. - No. 92-93; Fridman M.I. Financial reform // Bulletin of finance industry and trade. - Moscow, 1916. - No. 8-10. - P. 56; Balance sheet of commercial banks. Balance sheet of the Russian-Asian Bank for September 1, 1916 // Financial Life - Moscow, 1917 - No. 33-34. - S. 24-27;)

2. Конопко С. Р. Туркестанский край. – Ташкент, 1912. 87 с.; Малаховский Н.И. Материалы для изучения хлопководства. – СПб., 1912. 239 с. (Konopko S. R. Turkestan region. - Tashkent, 1912.87 p.; Malakhovsky N.I. Materials for studying cotton growing. - SPb., 1912.239 p.)
3. Масальский Н.И. Туркестанский край. – СПб., 1913. – С.56;(Masalsky N.I. Turkestan region. - SPb., 1913. - P.56;)
4. Гулишамбаров С.И. Экономический обзор Туркестанского района обслуживаемого Средней-Азиатской железной дорогой. – Ашгабад, 1913. Ч. I-III. – С.287;( Gulishambarov S.I. Economic overview of the Turkestan region served by the Central Asian railway. - Ashgabat, 1913. Part I-III. - P.287;)
5. Заорская В. В. и Александер К.А. Промышленные заведения Туркестанского края. – СПб., 1915. 557 с.(Zaorskaya V.V. and Alexander K.A. Industrial establishments of the Turkestan region. - SPb., 1915.557 p)
6. Оглобин В. Н. Промышленность и торговля Туркестана. – Москва, 1914. – С.80; Юферов В.И. История возникновения и развития хлопководства в Туркестане. – СПб., 1914. 167 с.( Oglobin V.N. Industry and trade of Turkestan. - Moscow, 1914. - P. 80; V. I. Yuferev The history of the emergence and development of cotton growing in Turkestan. - SPb., 1914.167 p).
7. Сафаров Г.И. Колониальная революция. – Москва, 1921. – С.34(Safarov G.I. Colonial revolution. - Moscow, 1921. - p. 34.)
8. Асаткин А. Очерки хозяйственной жизни Турк республики. – Ташкент, 1921. – С.48;( Севостьянов И. Хлопководство и хлопковая промышленность. – Москва, 1921. – С. 67; Средне-Азиатский экономический район. Очерки по экономике Средней Азии / Под ред. Ю.И.Пословского и Г.Н. Черданцева – Ташкент, Изд-во ТЭС, 1922. 119 с.)( Asatkin A. Essays on the economic life of the Turk republic. - Tashkent, 1921. - P.48; Sevostyanov I. Cotton growing and cotton industry. - Moscow, 1921. - P. 67; Central Asian economic region. Essays on the Economy of Central Asia / Under. ed. Yu.I. Poslovsky and G.N. Cherdantseva - Tashkent, TPP Publishing House, 1922.119 p)
9. Рожкова М. К. Экономическая политика царского правительства на Среднем Востоке во второй четверти XIX века и русская буржуазия. – Москва: Изд-во АН СССР. 1947, 392 с. (Аминов А. Экономическое развитие Средней Азии (колониальный период). – Ташкент: Госиздат УзССР, 1959. 297 с.; Вексельман М. И. Российский монополистический и иностранный капитал в Средней Азии. –Ташкент: Фан, 1987. 144 с. (Rozhkova M.K. Economic policy of the tsarist government in the Middle East in the second quarter of the nineteenth century and the Russian bourgeoisie. - Moscow: Publishing house of the USSR Academy of Sciences. 1947, 392 p. ; Aminov A. Economic development of Central Asia (colonial period). - Tashkent: State Publishing House of the UzSSR, 1959.297 p.; Vekselman M. I. Russian monopoly and foreign capital in Central Asia. –Tashkent: Fan, 1987.144 p).
10. Вахабов М.Г. К вопросу о формировании узбекской буржуазной нации // Материалы научной сессии, посвященной истории Средней Азии и Казахстана в дооктябрьский период. – Ташкент: Изд-во АН УзССР, 1955. – С. 145-163;( Vakhabov M.G. On the question of the formation of the Uzbek bourgeois nation // Materials of a scientific session dedicated to the history of Central Asia and Kazakhstan in the pre-October period. - Tashkent: Publishing house of the Academy of Sciences of the Uzbek SSR, 1955. - S. 145-163);
11. Власова Э.Н., Деева Е.А., Кравец Л.Н., Файзиева З. Формирование рабочего класса в дореволюционном Узбекистане. – Ташкент: Фан, 1979. 256 с. (Vlasova EN, Deeva EA, Kravets LN, Faizieva Z. Formation of the working class in pre-revolutionary Uzbekistan. - Tashkent: Fan, 1979.256 p);
12. Вяткин М.П. Монополистический капитал в Средней Азии. – Фрунзе: Илим, 1962. 165 с. (Vyatkin M.P. Monopoly capital in Central Asia. - Frunze: Ilim, 1962.165 p.)

13. Вексельман М. И. Российский монополистический и иностранный капитал в Средней Азии. –Ташкент: Фан, 1987. 14 с.(Vekselman MI Russian monopoly and foreign capital in Central Asia. –Tashkent: Fan, 1987. 14 p.)
14. Юлдашев А.М. Аграрные отношения в Туркестане (конец XIX – начало XX вв.). – Ташкент: Узбекистан, 1969. – С. 255. (Yuldashev A.M. Agrarian relations in Turkestan (late 19th - early 20th centuries). - Tashkent: Uzbekistan, 1969. - P. 255)
15. Турсунов Х. Восстание 1916 года в Средней Азии и Казахстане. – Ташкент: Госиздат УзССР, 1962. – С. 4.( Tursunov H. 1916 Uprising in Central Asia and Kazakhstan. - Tashkent: State Publishing House of the UzSSR, 1962. - P. 4.)
16. Schwartz Fr. V. Turkestan die Wiege indogermanischen Volker. Freiburg im Breisgau, 1900. – S. 606.
17. Hoetzsch O. Russisch-Nurkestan und die Tendenzen der heutigen russischen Kolonialpolitik // Jahrbuch für Gesetzgebung? Verwaltung und Volkswirtschaft im deutschen Reich. – Leipzig, Munich, 1913. bd. 37. – S. 903-941; Junge R. Das Problem der Europaisierung orientalischer Wirtschaft von Russisch Turkestan. – Weimar, 1915. – S. 123.
18. Atkin M. Russia and Iran. – Minneapolis, 1980. – P. 146-148.
19. Любавский М.К. Обзор русской колонизации. – Москва: МГУ, 1996. – С. 520-528; Брежнева С.Н. Подгатовка Российской империи к наступлению на Туркестан в 50-е годы XIX в // Вестник Московского университета. – Москва: МГУ, 2004. Сер. 8. История. – № 3. – С. 21-42. (Lyubavsky M.K. Review of Russian colonization. - Moscow: Moscow State University, 1996. - S. 520-528; S. N. Brezhnev Preparation of the Russian Empire for an offensive on Turkestan in the 50s of the 19th century // Bulletin of Moscow University. - Moscow: Moscow State University, 2004. Ser. 8. History. - No. 3. - P. 21-42)
20. Азиатская Россия: люди и структуры империи: сборник научных статей. К 50-летию со дня рождения профессора А.В. Ремнева / под ред. Н.Г.Суворовой. – Омск: Изд-во ОмГУ, 2005. – 600 с. (Asian Russia: people and structures of the empire: collection of scientific articles. On the occasion of the 50th anniversary of the birth of Professor A.V. Remnev / ed. N.G. Suvorova. - Omsk: Publishing house of OmSU, 2005. - 600 p.)
21. История Казахстана с древнейших времен до наших дней (Очерки). – Алматы: Дәуір. 1993. – С. 224-277;( History of Kazakhstan from ancient times to the present day (Essays). - Almaty: Daewip. 1993. - S. 224-277;)

## ЎТМИШГА НАЗАР

## ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

## LOOK TO THE PAST

№12 (2020)

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000